

Нур-Султон масжидида болалар лагери очилди



07:10 / 14.06.2019 2126

Қозоғистон пойтахти Нур-Султондаги «Ҳазрат Султон» масжидида мактаб ўқувчилари учун ёзги лагер очилди. Бу ҳақда Muslim.kz хабар беради.

Ушбу лагерда, «Нур Муборак» университетининг устоз-мураббийлари ва юқори босқич табалалари ҳамда имом домлалар ўқувчи болалар билан маърифий-маънавий ишларни олиб боради.

Жорий йилда лагерга 250 нафар ўғил бола ва 180 нафар қиз қабул қилинди. Лагерда машғулотлар рус ва қозоқ тилларида олиб борилади. Бундан ташқари, турли спорт тадбирлари ва саёҳатлар ҳам уюштирилади.





Islom.uz портали таҳририяти